

АГРОКЛАСТЕРЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚҮЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА РА҆КАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ

Файзиева Ширин Шодмоновна

ҚарМИИ “Инновацион иқтисодиёт” кафедраси доценти, и.ф.н.

Аннотация

Ушбу мақолада мамлакатимизда ташкил этилган агрокластерлар, уларнинг фаолияти, чорвачилик агрокластерларига яратилган имкониятлар, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жараёнлари, ра҆камли иқтисодиёт шароитида агрокластерларнинг ривожланиши тўғрисидаги фикрлар баён этилган.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, кластер, агрокластер, қайта ишлаш, чорва моллари, наслчилик, озуқа базаси, хориж тажрибалар, ра҆камли иқтисодиёт, ра҆камли иқтисодиётниң ривожланиши, миллий ра҆камли иқтисодий хавфсизлик, дастурий воситалар, мамлакат иқтисодий кўрсаткичлари.

КИРИШ. Ҳозирги кунда ра҆камли иқтисодиёт тушунчаси бир қатор мамлакатларнинг иқтисодий назарияси ва амалиётида пайдо бўлди. Бу ра҆камли технологияларнинг жадал ривожланиши, ахборот соҳасида инқилоб ва иқтисодиётниң глобаллашув жараёнларини тезлаштириш билан ажralиб туради ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлиги ортиб бораётган билимга айлантирилди ва ижтимоий-иктисодий алоқалар тобора кенгайиб бормокда. Бозор субъектларининг фаолиятида ра҆камли трансформацияларнинг асосий омили ра҆камли маданиятни ривожлантиришдан иборат. Жамиятни ижтимоий ва иқтисодий ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида атроф-мухит жамиятнинг институционал тузилишига хос хусусиятларини келтириб чиқармоқда ва бу асосда янги тушунчалар ва ёндашувларни шакллантиришга зарурат туғдиради.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасидаги салоҳиятини янада ошириш, олиб борилаётган ислоҳотлар ва замон талабига тўлиқ жавоб берадиган ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, стандартлаш ҳамда агробизнес йўналишида консалтинг, маркетинг хизматларини ривожлантириш ва илмий тадқиқотларга асосланган интенсив агросаноат тизимини ташкил қилиш, озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш, соҳанинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ва аграр соҳага замонавий технологияларни, ра҆камли иқтисодиётни жорий қилиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти, агросаноат мажмуи ва чорвачилик ҳамда унинг турли маҳсулотларини етиштириш самарадорлигини ошириш масаласи маҳаллий ва хорижий агроиктисодчилар томонидан атрофлича ўрганилди. Хусусан, мамлакатимиз олимлари Т.С.Ҳакимов, Т.Қудратов, Р.Х. Эргашев, С.Р. Холиқов. Ўзбекистонда чорвачилик маҳсулотлари миқдорини кўпайтириш ва ахолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Шунингдек, хорижий олимлар Г.А. томонидан олиб борилган изланишлар натижасида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар. Аванесова, И.А. Алтухин, В.И. Гайдук, Ф. Котлер, П.Г. Женнингс чорвачилик саноатига хизмат кўрсатади, ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлади ва тармоқ самарадорлигини оширади. Иқтисодиёт ва жамиятнинг “рақамлаштириш” жараёни (инглиз тилида – digitization яъни, рақамлаштириш, баъзан эса digitalization яъни рақамлаштирилиши маъносини билдиради.) ҳақида гапиргандা, биринчи навбатда, терминологияга аниқлик киритиш керак. Энг кенг маънода “рақамлаштириш” жараёни одатда рақамли технологияларни кенг қўллаш ва ассимиляция қилиш ташаббуси билан бошланган ижтимоий-иктисодий ўзгаришни англатади. ахборотни яратиш, қайта ишлаш, алмашиб ва узатиш технологияларидир. Рақамли иқтисодиёт тушунчасига бир қатор таърифлар берилган. Жумладан, иқтисодиёт фанлари доктори, Россия Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси В.Иванов “Рақамли иқтисод - ҳақиқатимизни тўлдирадиган виртуал мухит” - деб таъриф берган. Томск давлат университетининг профессори, Р. Мешчериakovning фикрича “рақамли иқтисод” атамасига иккита ёндашиб мавжуд деб хисоблади. Рақамли технологиялар асосида иқтисодиётнинг ва электрон товар ва хизматлар эксклюзив домен тавсифловчи рақамли иқтисодиёт: биринчи ёндашув “классик” деб номланиб, классик мисоллар - телетибиёт, масофавий таълим, дори-дармонларни сотиш (фильмлар, телевизорлар, китоблар ва бошқалар). Иккинчи ёндашув: “рақамли иқтисод” илғор рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда иқтисодий ишлаб чиқаришдир.

М.Л. Калужский рақамли иқтисодиёт - иқтисодий интернет фаолияти, шунингдек, шакллари, усуслари, воситалари ва уни амалга ошириш алоқа мухитидир деб таърифлаган. Манбаларда келтирилишича “Рақамли иқтисодиёт” иқтисодиётнинг бундай тури маълум даражада амалда ишлайдиган турдаги модель хисобланади. Рақамли иқтисод - бу ишлаб чиқариш комплекси, инсон учун ҳаёт ва қулийкни таъминлайдиган маҳсулот ва хизматларни яратадиган ишлаб чиқариш тизими бўлиб, у ерда маълум бир кибер-жисмоний тизим пайдо бўлади. Фикримизча, рақамли иқтисодиёт бу ишлаб чиқариш комплекси инсонлар учун қулийкларни таъминлайдиган маҳсулот ва хизматларни яратадиган виртуал мухит бўлиб, рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда иқтисодий ишлаб чиқариш тизимиdir. Шунингдек, рақамли иқтисод расмийлаштирилиши мумкин бўлган барча нарсани қамраб олиши мумкин, яъни мантиқий схемаларда намоён бўлади. Ҳаётнинг ўзи эса бу “нарсаларни” ишлаб чиқариш, тарқатиш, алмаштириш ва истеъмол қилиш тизимига айлантиришга имконият яратади. Ҳақиқатдан ҳам инсоннинг руҳий ҳақиқатида жойлашган дунёнинг виртуал қисмидан олдин ишлаб чиқариш кучи бўлмаган, янги ғоялар ва маҳсулотлар яратилган мухит эмас эди.

ТАДҶИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ. Мамлакатимизда агрокластерларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими ва рақамли иқтисодиётнинг ривожланишидаги иқтисодий статистик кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Агрокластерлар фаолияти яқиндан ўрганилди ва маълумотлар базаси йиғилди. Тўпланган маълумотлар асосида кузатиш ва иқтисодий таҳлилни қиёслаш, тизимли ёндашув ҳамда мантиқий ёндашув каби услублардан самарали фойдаланилди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР. Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Қишлоқ хўжалигининг барча йўналишларидағи кластерлар жойларда тадбиркорликни ривожлантиришнинг локомотиви бўлиши керак” ҳамда “кластер тизими – бу манфаатдорлик, соҳага илм-фан ва инновациянинг кириб келиши, қишлоқ хўжалигининг келажаги ва рақобатбардош бўлиши демақдир”¹. Юртбошимизнинг қишлоқ хўжалик соҳасидаги кластернинг ўрнини муносиб баҳолаганидан илҳомланиб, дехқонлар ва чорвадорлар агрокластерлар раҳбарларининг вакилларига мурожаат билан чиқишлари ўзининг амалий ифодасини кўрсатмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожланишидаги иқтисодий кўрсаткичлар таҳлил килинди. Унга кўра Республикализнинг ялпи миллий маҳсулотдаги ахборот коммуникация технологиялари соҳасининг улуши ортиб бораётганлиги аниқланди.

Мамлакатимиз Президентининг коронавирус пандемияси келтириб чиқарган инқизозга қарши қураш шароитида тадбиркорликни, жумладан, агрокластерларни қўллаб-куватлашга оид қатор фармонлари соҳа вакилларига қаратилган юксак ғамхўрлик ва эътиборнинг яна бир ёрқин намунаси саналади. Ўз вақтида қабул қилинган ушбу хужжатларга мувофиқ сув солиги 50 фоизга қисқартирилди, табиий газ ва электр энергияси учун олдиндан тўлов мажбурияти амалдаги 100 фоиздан 30 фоизга туширилди, шунингдек, олинган кредитлар фоизларини тўлаш муддати узайтирилди. Энг асосийси, пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан 2019 йилда пахта етиштириш учун олинган кредитларни қайтариш муддати кечикирилди. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-куватлаш жамғармаси томонидан ёрдам бериш кўлами янада кенгайтирилди. Жумладан, пахта хомашёсини етиштиришда давлат буюртмаси тўлиқ бекор қилиниб, қишлоқ хўжалигига эркин бозор тамойиллари шаклана бошлади.

Республикамизда ташкил этилган шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари бош сонини кўпайтиришни рағбатлантириш, сервис хизматлари тармоғини ташкил этишга доир чора-тадбирлар дастурининг амалга оширилиши натижасида чорвачилик соҳасида ижобий натижаларга эришилмоқда. Жумладан, қорамолчилик йўналиши бўйича янгидан 1592 та лойиҳалар ташкил этилди ва уларда 62 минг 232 бош қорамолларни парвариши йўлга қўйилди. Ташкил этилган янги лойиҳалар ҳисобига 5648 та янги ишчи ўринлари яратилди. 2616 та зооветеринария пунктлари орқали шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва молларига 14 млрд. 200 млн. сўмлик турли хилдаги зооветеринария сервис хизматлари кўрсатилди. Чорва моллари наслини яхшилаш ва маҳсулдорлигини ошириш мақсадида жорий йилда хориждан 10793 бош юқори маҳсулдор наслли қорамоллар олиб келиниб, жами хориждан олиб келинган қорамоллар бош сони 82 минг 435 бошга етди. Олиб келинган наслли моллардан жорий йилнинг якунига келиб 330 минг бошга яқин бузоқлар олиниб, бир бош наслли сигирдан кунига ўртacha 20-22 кг дан сут соғиб олинмоқда. Маҳсулдорликни ошириш мақсадида қорамолларни сунъий уруғлантириш учун чорвачилик субъектларига “Ўзнаслчилик” корхонаси томонидан маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилган 3 млн. 667 минг дозадан ортиқ наслли буқаларнинг уруғлари етказиб берилди ҳамда 2 млн. 839 минг бош сигир ва ургочи таналар сунъий уруғлантирилди. 217 та қорамолчилик фермер хўжаликлари наслчилик тоифасига ўтказилди ва

¹ Ш.Мирзиёев. “Қишлоқда кластер тизими - аграр секторининг асосий ўсиш нуктаси”. “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 15 октябрь

ушбу тоифадаги хўжаликлар сони 827 тага етказилди ва улар томонидан 9 минг 491 бош наслли моллар тайёрланиб дехқон ва фермер хўжаликларига шартнома асосида етказиб берилди.

Мамлакатимизда паррандачилик тармоғини ривожлантириш бўйича 554 та паррандачилик лойиҳалари ташкил этилиб, уларда 8 млн. 44 минг бош парранда боқиши йўлга қўйилиб, улар асосида 2505 та янги иш ўринлари яратилди. Куркачилик, ўрдакчилик, беданачилик ва туюқчилик йўналишларида 60 тадан ортиқ янги лойиҳалар ташкил этилди ҳамда 241 та янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, 50 та 50 минг бошга мўлжалланган гўшт йўналишидаги паррандачилик хўжаликлари ташкил этилиб, уларда 2 млн. 325 минг бош паррандалар парваришланмоқда ва уларда 419 та иш ўринлари яратилди.

Ўзбекистонга 2020 йилда 60 минг бошдан ортиқ қорамол ва 36,6 минг қўй олиб кирилган. 2020 йилда ҳалқ истеъмоли маҳсулотлари орасида гўшт баҳоси кескин ошиши кузатилди ва ҳукумат нархни жиловлаш учун қатъий чоралар кўришга мажбур бўлди. Бир муддат муайян нарх белгиланди, бу эса табиийки маҳсулот сифатига ҳам, тадбиркорлар, қассоблар фаолиятига ҳам таъсир қилди. Ўзбекистонда чорвачиликни ривожлантиришга доир қатор қарорлар қабул қилинган бўлиб, шу билан бирга чорва импорти ҳам катта ҳажмда амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган 2020 йилда Ўзбекистонга жами 60 097 бош қорамол олиб кирилган бўлса, уларнинг 36 584 боши наслли, 23 513 боши наслсиз қорамоллардир. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг тақдим этган маълумотига кўра бу қорамолларни олиб кириш учун жами 90 млн АҚШ долларидан кўпроқ маблағ сарфланган. Шунингдек, қиймати деярли 5 млн долларлик 36 616 бош қўй, 797 минг долларга тенг 3683 бош эчки ҳам импорт қилинган. Ўтган бир йил давомида Ўзбекистон бирор бош чорва экспорт қилмаган. Қорамоллар, қўй ва эчкилар асосан Россия, Беларус, Украина, Қозогистон, Қирғизистон, Австрия, Германия, Нидерландия, Дания, Чехия ва Венгриядан импорт қилинган. Маълум қилинишича, чорва импорт қилувчи тадбиркорлар дастлаб қўмитага мурожаат қилади ва агар чорва экспорт қилувчи давлат “қизил” худудда бўлмаса, уларга рухсатнома расмийлаштириб берилади. Шу рухсатнома асосида экспортер давлатдан чорва харид қилинади ва 30 кун карантиндан кейин Ўзбекистонга олиб кирилади. Шу тартибда чорва моллари мамлакатимиз иқлимига мослашиб боради.

Мамлакатимиз Президенти томонидан 2021 йил 3 март куни “Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор имзоланди. 2021 йил 1 марта бошлаб Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг компенсация ва кафиллигидан фойдаланган чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва қўёнчилик йўналишидаги кредити бўйича тўловларни ўз вақтида қайтараётган тадбиркорлик субъектларига, уларнинг кредит бўйича қарздорлиги тўлиқ қопланмагунча, янги кредитлар бўйича жамғарманинг кафиллигидан яна фойдаланишга рухсат берилганлиги мақсадга мувофиқдир. Президентимизнинг 2019 йил 18 марта ги “Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4243-сон қарори 2-бандига мувофиқ берилган имтиёзлар чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи барча хўжалик субъектларига ва омухта ем ишлаб чиқарувчи корхоналарга нисбатан ҳам татбиқ этилади. 2021 йил 1 январдан бошлаб 2024 йил 1 январга қадар наслчилик субъектлари учун уларнинг асосий фаолият тури бўйича фойда солиғи, мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик ставкаси 50% миқдорида қўлланилиши белгиланган.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан товарлар республика худудига олиб кирилганда

уларни олиб киришда ҳисобланган қўшилган қиймат солиғини тўлаш муддати 180 кунга узайтирилади, тўланган ҚҚСнинг ҳисобот даври якунидаги салбий фарқ суммаси солик тўловчининг аризасига асосан тезлаштирилган тартибда 20 кундан кечиктирмасдан қоплаб берилади.

Ўзбекистонда 2021 йил 1 июлдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган хўжаликларга қуидаги микдорларда республика бюджетидан субсидиялар ажратилиши белгиланган:

- чорвачилик хўжаликларига – ўз хўжаликлида етиштирилиб, гўшт учун реализация қилинган йирик ва майдо шоҳли қорамоллар тирик вазнининг ҳар бир килограмми учун 2 000 сўм ҳамда сутининг ҳар бир литри учун 200 сўм;
- паррандачилик хўжаликларига – ўз хўжаликлида етиштирилиб, реализация қилинган тухумнинг ҳар бир донаси учун 50 сўм ҳамда парранда гўштининг ҳар бир килограмми учун 800 сўм;
- балиқчилик хўжаликларига – интенсив усулда етиштирилган совуқ сув балиқлари (лосос, форел ва осётр) нинг ҳар бир килограмми учун 3 000 сўм, қолган турдаги балиқлар учун 1 000 сўм;

паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларига ўзи ишлаб чиқарган тухум, парранда гўшти ва балиқ маҳсулотларини сотиш учун деҳқон бозорлари ва ахоли гавжум худудлардан ўрнатилган тартибда доимий савдо жойлари (нуқталари) куриш учун.

Ислоҳотлар натижасида Қашқадарё вилоятининг Касби, Нишон, Миришкор ва Косон туманларини чорвачиликка ихтисослаштириш, ушбу туманларда замонавий чорвачилик комплексларини ташкил этиш мақсадида қуидагилар тасдиқланди:

Қашқадарё вилоятида чорвачиликни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар дастури;

Қашқадарё вилоятида 2021-2022 йилларда Дастур доирасида ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича прогноз кўрсаткичлари;

Вилоятда 2021-2022 йилларда суғориш каналларини тозалаш ҳисобига қўшимча ер майдонларини ўзлаштириш параметрлари ҳамда пичанзор ва яйлов ерларида янгидан қазиладиган қудуклар дислокацияси.

Тасдиқланган вазифалар асосида Қашқадарё вилоятининг барча туманларида чорвачиликни ривожлантиришга оид лойиҳаларни амалга оширишга АТ “Халқ банки” ва бошқа тижорат банклари томонидан 2021-2022 йилларда хорижий молия институтлари кредит линиялари ҳисобидан 50 млн АҚШ доллари микдоридаги маблағлар йўналтирилади. Қашқадарё вилоятига 2021-2022 йилларда чет давлатлардан олиб келинадиган чорва молларини сотиб олиш учун ахоли ва тадбиркорлик субъектларига зарур кредитлар ваколатли банклар томонидан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида мавжуд ресурслар ҳисобидан ажратиб борилиши таъкидланганлиги ишлаб чиқарувчиларда катта қизиқиш уйғотади.

ХУЛОСА. Хулоса ўринда айтишимиз мумкинки, иқтисодиёт тармоқларида хизмат кўрсатиши самарадорлигини оширишда қишлоқ хўжалиги агрокластерларининг аҳамияти алоҳида ўрин эгаллайди. Агрокластер маҳаллий давлат ҳокимияти ташкилотлари, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари, қайта ишловчи корхоналарнинг ўзаро ҳамкорликдаги ёки алоҳида ташаббуси бўйича ташкил этилиб, уни ташкил этишнинг муҳим жиҳатларидан бири иштирокчиларининг биргалиқда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини - ишлаб чиқариш - қайта ишлаш - сотиш - илмий-тадқиқот жараёнларини ўзида мужассамлаштирган ҳамкорликдаги

лойиҳаларни амалиётда қўллаш орқали бир-бирларига ишончларининг юқорилиги ҳисобланади. Ўзбекистонда агрокластерларни барпо этиш заруриятидан келиб чиқсан холда ривожланган давлатлардан Жанубий Корея тажрибалари ўрганилиб, тегишли хулосалар асосида амалда қўлланилмоқда. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасига қўшимча равишда республикада гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини етиштирувчи ва қайта ишловчи, тайёрловчи ҳамда реализация қилувчи корхоналар фаолиятини ривожлантиришга, шунингдек ўзаро ҳамкорлигини таъминлашга қўмаклашиш вазифаси агрокластерлар фаолияти учун ўзига хос тажрибаларни қўллашни кўрсатади. Агрокластерлар асосида учинчи ренессанс пойдеворини мустаҳкамлашда ҳамда хизматлар самарадорлигини оширишда янги лойиҳалар асосий механизм сифатида хизмат қиласди. Айниқса, агрокластерларнинг ривожланиши ва жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар билан қатнашишда рақамли иқтисодиётнинг ўрни каттадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 29 июлдаги “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистоннинг 2022- Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалигига кооперация тўғрисида”ти Қонунн 2021 йил 23 март.
4. 2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида”ти ПФ-60-сонли Фармони. 2022 йил 28 январь
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти қарор 2021 йил 3 март.
6. Ш.Мирзиёев. “Қишлоқда кластер тизими — аграр секторининг асосий ўсиш нуқтаси”. “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 15 октябрь
7. Базаров Н.С. Қорамолчилик хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш йўллари. Иқт. фан. ном. дис. – Т., 2001. – 126 б.
8. Қашқадарё вилояти агрокластерларининг 2020-2021 йиллардаги иқтисодий кўрсаткичлари ва молиявий ҳисботлари.
9. Fayzieva Shirin Shodmonovna, Yuldashev Nuriddin Negmatovich. THE ROLE OF LIVESTOCK REFORM IN THE DEVELOPMENT OF THE COUNTRY'S ECONOMY. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. <https://saarj.com/ISSN: 2249-7137 Vol. 11, Issue 2, February 2021 Impact Factor: SJIF 2021 = 7.492>
10. Ergashev R.Kh., Khamraeva S.N., Fayzieva Sh.Sh. **Innovative development of agricultural infrastructure: problems and ways of its achievement** // The phenomenon of market economy: from the origins to the present day. Partnership in the face of risk and uncertainty. - 2020 .-- S. 310-319.
11. Fayzieva Sh.Sh. **Value of competitive business strategies and enterprise strategy.**

12. Fayzieva Sh.Sh., Djalilovna N. M., YuldashevaSh.A. **The main directions of reforms in the livestock sector in the development of the country's economy**// TRANS Asian Journal of Marketing & Management Research (TAJMMR). – 2020. – T. 9. – №. 4. – C. 67-71.
13. **Khamrayeva Sayyora Nasimovna, Kurbanov Alisher Bobokulovich, Fayziyeva Shirin Shodmonovna. Thinking Design an Effective Way to Shape and Develop Innovations**

<https://scholar.google.com/scholar?cluster=6189119648226862430&hl=en&oi=scholarr>

14. **Faizieva Shirin Shodmonovna, Yuldasheva Shakhrisabz Anvar qizi. The Role of Agricultural Cluster in Increasing Economic Efficiency.** Jundishapur Journal of Microbiology Research Article Published online 2022 April Vol. 15, No.1 (2022) 6480. Received 2022 February 2; Revised 2022 March 20; Accepted 2022 April 24
15. Samiyeva, G. T. (2022). The Most Important Aspects of Studying the Living Standards of the Population. *Academic Journal of Digital Economics and Stability, Volume 16*, April 2022, Pages 79-83
16. Samiyeva, Gulnoza Tokhirovna, and B. I. Xaydarov. "The Importance of Self-Employment and Self-Reliance in Improving the Well-Being of the Population Self-Employment." *Journal of Marketing and Emerging Economics* 2.5 (2022): 36-41.
17. Samiyeva, Gulnoza Tokhirovna. "Reform in the Field of Family Entrepreneurs in Reducing Poverty in Uzbekistan." *Academic Journal of Digital Economics and Stability* 7 (2021): 96-100.
18. Toxirovna, Samieva Gulnoza. "Farmers-Food Sustainability Services." *Academic Journal of Digital Economics and Stability* (2021): 899-904.
19. Samiyeva, Gulnoza Tokhirovna. "The Main Tasks Of Farms And Dekhan Farms In Ensuring Productive Security In Uzbekistan." *Journal of Contemporary Issues in Business and Government* 2021 (2021).
20. Самиева Г.Т. ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ //Инновацион технологиялар. – 2020. – №. 3 (39).
21. Khakimov, Rashid, and Samiyeva G. Toxirovna. "Agrarian Sector of the Republic of Uzbekistan in a Way of Development and Features of Enterprise Activity." *International Journal on Orange Technologies*, vol. 2, no. 10, 11 Oct. 2020, pp. 53-57, doi:[10.31149/ijot.v2i2.685](https://doi.org/10.31149/ijot.v2i2.685).
22. Tukhtabaev, J. S., Samiyeva, G. T., Tashnazarov, S. A., Taylakova, D. B., & Chuyanov, K. U. (2021). Econometrical Assessment of Factors Affecting Diversification of Production in Farms Ensuring Food Security. *International Journal of Modern Agriculture*, 10(1), 981-990.
23. Toxirovna S. G. Dehkan Farm-Services To Sustain Food Supply //Academic Journal of Digital Economics and Stability. – 2021. – T. 6. – C. 1-5.
24. Samiyeva G. Dehqon xo‘jaliklarini tadqiq etishning nazariy asoslari //Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar. – 2021. – №. 6. – C. 171-176.
25. Samiyeva G. T. Concepts of Poverty, Inequality and Social Exclusion //International Journal on Economics, Finance and Sustainable Development. – 2022. – T. 4. – №. 3. – C. 122-126.

26. Samiyeva, G. T. (2022). THE MAIN SOCIO-ECONOMIC TASK - EMPLOYMENT OF THE POPULATION AND WAYS TO SOLVE UNEMPLOYMENT. *"ONLINE - CONFERENCES&Quot; PLATFORM*, 84–91. Retrieved from <http://papers.online-conferences.com/index.php/titfl/article/view/849>
27. Bahodirovich, Aminov F. "The Role of Investments in the Innovative Development of the Economy." *International Journal on Economics, Finance and Sustainable Development*, vol. 4, no. 3, 2022, pp. 112-117.
28. Аминов, Ф. Б. (2022). РОЛЬ ФИНАНСОВЫХ РЕСУРСОВ В ИННОВАЦИОННОМ РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ. *Economics*, (1 (51)), 26-29.
29. Bahadirovich, A. F. (2022). Conditions for Forming the Digital Economy in the Republic of Uzbekistan. *Journal of Marketing and Emerging Economics*, 2, 88-92.
30. Bahadirovich, A. F. (2021). The Main Directions of State Regulation of Entrepreneurial Activity. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 12, 22-27.
31. Аминов Ф.Б. (2023). ЖИЗНЕННЫЙ УРОВЕНЬ НАСЕЛЕНИЯ ПО РЕГИОНАМ УЗБЕКИСТАНА. *Экономика и социум*, (2 (105)), 434-443.
32. Аминов, Ф. Б. (2022). РОЛЬ ФИНАНСОВЫХ РЕСУРСОВ В ИННОВАЦИОННОМ РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ. *Economics*, (1 (51)), 26-29.
33. Аминов Ф.Б. (2022). НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ ПРОИЗВОДСТВЕННОЙ КООПЕРАЦИИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН. *Экономика и социум*, (10-1 (101)), 232-237.
34. Аминов, Ф. Б. (2022). УСЛОВИЯ ФОРМИРОВАНИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН.
35. A.J. Musagaliev, & B.T. Shodiev. (2022). Methodological Issues of Location and Effective Use of Wells in Pastures in Uzbekistan . *Partners Universal International Research Journal*, 1(1), 1–5. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6387977>
36. Musagaliev, A. J., & Shodiev, B. T. (2023). Issues of Efficient Usage of Pastures in the Development of the Cattle Farming Network. *UTTAR PRADESH JOURNAL OF ZOOLOGY*, 44(1), 81-87. <https://doi.org/10.56557/upjoz/2023/v44i13394>
37. Ochilov, A. O., Ostonov, E., Shodiev, B. T., Ergashev, T. S., & Khakkulov, F. F. (2022). Modern Approaches To Management Of Training Of Highly Qualified Personnel In The New Uzbekistan Higher Education System. *Journal of Positive School Psychology*, 6(10), 2432-2442.
38. Шодиев Б.Т. ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ПАСТВИЩ // Экономика и социум. 2022. №10-1 (101). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/prioritetnye-napravleniya-effektivnogo-ispolzovaniya-pastbisch> (дата обращения: 28.02.2023).
39. Аликулов К., Шодиев Б.Т. ОРГАНИЗАЦИОННО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ, ПРАВОВЫЕ, СОЦИАЛЬНЫЕ И ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ПРИОРИТЕТЫ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КАРАКУЛЕВОДСТВА КЛАСТЕРОВ // Экономика и социум. 2022. №10-1 (101). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/organizatsionno-ekonomicheskie-pravovye-sotsialnye-i-ekologicheskie-priority-deyatelnosti-karakulevodstva-klasterov> (дата обращения: 28.02.2023).

40. Шодиев Б. Т. ДОСТИЖЕНИЕ СТАБИЛЬНОСТИ ЭКОСИСТЕМЫ И СОХРАНЕНИЯ БИОРАЗНООБРАЗИЯ В ПАСТБИЩНЫХ РЕГИОНАХ. – 2016.
41. Шодиев, Б. Т. Основные принципы эффективного управления каракулеводством и пастбищепользованием / Б. Т. Шодиев // Экономика и предпринимательство. – 2019. – № 7(108). – С. 1239-1243. – EDN ZQBKMA.
42. Ochilov, A. O., Ostonov, E., Shodiev, B. T., Ergashev, T. S., & Khakkulov, F. F. (2022). Modern Approaches To Management Of Training Of Highly Qualified Personnel In The New Uzbekistan Higher Education System. *Journal of Positive School Psychology*, 6(10), 2432-2442.
43. Musagaliev, A. J., & Shodiev, B. T. (2023). Issues of Efficient Usage of Pastures in the Development of the Cattle Farming Network. *UTTAR PRADESH JOURNAL OF ZOOLOGY*, 81-87.
44. www.gov.uz. - State site.
45. <http://www.lex.uz>. - National database of legislation of the Republic of Uzbekistan.